

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ
ФАОЛИЯТИ**

Ўзбекистон республикаси

ИИВ Академияси

3-ўқув курси курсанти

Жуманиёзов Мадийр Акбар ўғли

АННОТАЦИЯ

Ушбу битирув малакавий иши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятига бағишланган. Муаллиф маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти бўйича амалга ошириладиган процессуал хатти-ҳаракатлари ҳамда расмийлаштириладиган ҳужжатлар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни таъминлаш чораларини қўллашда қилинадиган ишларнинг муҳим амалий жиҳатлари билан бирга ушбу соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга доир илғор хориж тажрибасини ҳам ёритишга ҳаракат қилган.

ANNOTATION

This graduate thesis is devoted to the activity of conducting proceedings on administrative offenses. The author has advanced foreign experience in the field of administrative offenses as well as procedural actions in the field of administrative offenses, as well as important practical aspects of the application of documents and measures to ensure the proceedings on administrative offenses. translator

Ushbu maqolada asosan mavzuning dolzarbligi shundaki, Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни такомиллаштиришда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини қонунда белгилаш борасидакенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш бўйича ҳар бир Ички ишлар органлари ходимларига, айниқса, профилактика инспекторларига улкан вазифалар қўйилди.

Ўтган йиллар давомида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи қонун нормалари қабул қилиниб, уларнинг талаблари жамият ҳаётига татбиқ этиб келинмоқда. Жумладан, бу борадаги нормалар Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси XXII боби (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахслар)нинг 294-

моддаси (маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари)¹ билан тартибга солинганлиги асосланди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш, бу борадаги қонун нормаларини ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилувчи таклиф тавсия ва хулосаларни ишлаб чиқиш ҳисобланади ҳуқуқий ҳолатига доир қонун нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштириб бориш зарурати илмий асосланди вабошқалар. Тадқиқотнинг вазифалари.

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни таъминлаш чораларини тушунчаси таҳлил қилинди;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни таъминлаш чораларини қўллашни асосий хусусиятлари аниқлаштирилди; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни таъминлаш чораларини қўллашни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлили қилинди;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни таъминлаш чораларини қўллашда расмийлаштириладиган ҳужжатлар ва уларнинг юритилиши ўрганилди;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни таъминлаш чораларини қўллашни такомиллаштириш бўйича илғор хориж тажрибаси ўрганилди ҳамда амалиётга тадбиқ этишга доир илмий асослантирилган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

– **Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти билан боғлиқ муносабатлар тизими **тадқиқотнинг объекти** ҳисобланади.

– Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар **тадқиқотнинг предмети**ни ташкил этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак”, деб таъкидлаб ўтган эди.

Шубҳасиз, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг ҳамда турли хил ҳуқуқбузарликларнинг камайишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш умуман юриспруденцияда фанида долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бунда мутахассислар томонидан ҳуқуқбузарликлар билан курашишнинг энг самарали ва инсонпарвар йўли сифатида жазо эмас, балки тарбия самаралироқ деган фикр илгари сурилади.

Ҳуқуқ назариясига кўра ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъний ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 10-моддасига биноан, Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли, (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Давлат бошқаруви соҳасидаги содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири – бу **маъмурий ҳуқуқбузарликдир**.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мазмуни амалдаги қонунчиликда аниқ кўрсатилган бўлиб, қуйидаги **умумий хусусиятларга эга**:

Биринчидан. Маъмурий ҳуқуқбузарлик – ижтимоий зарарли ҳисобланади, яъни унинг содир этилиши жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига моддий ва манавий зарар етказади.

Иккинчидан. маъмурий ҳуқуқбузарлик -ҳуқуққа хилоф ҳисобланади, яъни бундай хатти ҳаракатларни содир этиш қонунчилик ҳужжатларида тўғридан

Учинчидан. маъмурий ҳуқуқбузарлик қилмишдир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик –бир ёки бир нечта инсонларнинг онгли ва иродали ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланади. Ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдаги: интизомий; маъмурий ва жиноий жазо санкцияларидан фойдаланилади².

Тўртинчи. Маъмурий ҳуқуқбузарлик - жисмоний шахс ва мансабдор шахс томонидан содир этиладиган қилмишдир. Ўзбекистон Республикасининг МЖТК нинг маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида жисмоний ва юридик шахслар намоён бўлиши мумкин.

Бешинчидан. маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган онгли иродали қилмиш ҳисоблананди.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда – қонунҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлатва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан) содир этган ҳаракат ёки ҳаракатсизликтушунилади.

Ҳуқуқбузарликнинг барча хусусиятлари ҳисобга олиниб шахсни амалдаги қонунларга биноан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас, деб ҳисобланган тақдирда, бу ҳуқуқбузарликка нисбатан маъмурий жавобгарлик амалга оширилади. Жавобгарликка тортиш– ҳуқуқбузарликларнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: [http:// www. lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: [http://www. lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: [http://www. lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: [http://www. lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонуни // URL: [http://www. lex.uz](http://www.lex.uz).
6. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистан давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т., «Ўзбекистан», 2016. - 56 б.
7. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. «Ўзбекистон» – Т., 2017. – Б. 483.
8. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, каттик тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак
9. / М.Мирзиёев; — Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, тўғри тақиқланган.